

1. Девдариани М.Д. Клинико-морфологические особенности плацентарного ложа матки и плаценты при анемии: /Автореф. дис. ... канд. мед. наук. М., 2003.
2. Канищева Е.Ю. Клинико-микробиологическая и морфологическая характеристика хронических воспалительных заболеваний органов малого таза у женщин и их связь с инфекциями, передаваемыми половым путем: /Автореф. дис. ... канд. мед. наук. М., 2003.

3. Кокашвили Х.Б. Прогнозирование и диагностика плацентарной недостаточности в ранние сроки беременности: /Дис. ... канд. мед. наук. М., 2002.
4. Краснополский В.И., Серова О.Ф., Туманова В.А. и др. Диагностика плацентарной недостаточности в ранние сроки беременности //Материалы V Рос. форума "Мать и дитя". М., 2003. С. 370.

Поступила 10.05. 2018

УДК: 340.6:616-001.85

ТЕЗ КОРОНАР ЎЛИМ ҲОЛАТЛАРИДА ТОЖ ТОМИРЛАРИДАГИ МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР

М.А. Маматалиева, З.К. Хакимов, К. Сиддиқов, С. Мамажонов,

Андижон давлат тиббиёт институти.

✓ **Резюме,**

Илмий ишда 2012-2016 йилларда вафот этган 493 та тез коронар томирлар етишмовчилигидан ўлган мурдаларни тож томирларидаги атеросклеротик ўзгаришларни ўрганилган. Тўсатдан коронар томирлар етишмовчилигидан ўлган мурдаларни 67% ни 40-60 ёшдаги эркалар (ўртача 50 ёшда), 33% ни 40-60 ёшдаги аёллар ташкил этиб, ўлган инсонларни 75%да стенозловчи атеросклероз, 20% миокард инфаркти, 5%да инфарктдан кейинги кардиосклероз ҳолати кузатилган.

Калит сўзлар: тўсатдан коронар томирлар етишмовчилигидан ўлим, тож томирлар атеросклерози, фиброз пиллакчалар, атероматоз ўзгаришлар, охакланишлар, тож томирларни стенозлари, планиметрик текширишлар, миокард инфаркти, гистологик текширишлар.

МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЕ КОРОНАРНЫХ СОСУДОВ ПРИ ВНЕЗАПНОЙ КОРОНАРНОЙ СМЕРТИ

М.А. Маматалиева, З.К. Хакимов, К. Сиддиқов, С. Мамажонов,

Андижанский государственный медицинский институт.

✓ **Резюме,**

В работе исследовано атеросклеротические изменение коронарных сосудов 493 трупов умерших 2012-2016годах. Из них 67% пришлось на мужчин в возрасте 40-60 лет (в среднем 50лет), 33% женщинам 40-60 летнего возраста. Среди умерших отмечалось 75% различного рода стенозы коронарных сосудов, в 20% инфаркт миокарда, 5% случаях постинфарктный кардиосклероз.

Ключевые слова: внезапная коронарная смерть, атеросклероз коронарных сосудов, фиброзные бляшки, атероматозные изменение, обызвествление, стенозы коронарных сосудов, планиметрические исследование, инфаркт миокарда, гистологические исследование.

MORPHOLOGICAL CHANGES OF CORONARY VESSELS WITH FLAMMABLE CORONARY DEATH

Mamatalieva M.A., Khakimov Z.K., Siddikov K., Mamajonov S.,

Andijan State Medical Institute.

✓ **Resume,**

In scientific work worked atherosclerotic changes in the coronary vessels of 493 carpses of the dead 2012-2016 years. Of which 67% fell on male age 40-60 years (an average of 50 years). 33% of female 40-60 years of age. Among the dead 75% of all kinds of stenosis of the coronary wessels, 20% of myocardial heart attack, 5% of postinfarction cardiosclerosis.

Keywords: Suddenly coronary death, atherosclerosis of coronary velless, fibrosis wicks, ateromatosis changes, chalkies to cholky changes, stenosis of coronary vessels, planed examinations, heart attack, gastrological examinations

Долзарблиги

Бугунги кунда "тез коронар ўлим" муаммоси дунё миқёсида долзарб бўлиб қолмоқда. Тез коронар ўлим кўпинча бирданига юзага келиб, суд тиббий нуқтаи - назардан зўраки ўлимга гумон қилишга сабаб бўлади [1.2].

Тадқиқот мақсади: Тож томир атеросклерозини тез коронар ўлим ҳолатларига боғлиқлигини аниқлаш.

Тадқиқот объектлари: Андижон вилояти суд тиббиёти экспертизасида рўйхатдан ўтган 2012-2016 йил-

лардаги тўсатдан ўлган 493 нафар мурдаларни архив материаллари.

Натижа ва таҳлиллار

Тўсатдан коронар ўлимдан ўлган мурдаларни 67% ни 40-60 ёшдаги эркалар (ўртача 50ёшда), 33% ни 40-60 ёшдаги аёллар ташкил этган.

Тўсатдан коронар томирлар етишмовчилигидан ўлган инсонларни 75% да стенозловчи атеросклероз, 20% да миокард инфаркти, 5% да инфарктдан кейин-



ги кардиосклероз кузатилган. 1/4 ҳолатда миокардда ишемия белгилари, 1/3 ҳолатда тож томирлар тромбози, 1/5 ҳолатда ангионевротик ўзгаришлар намоён бўлган.


Тўқималар гистологик текширишга чап қоринчани олдинги ва орқа деворидан (чўққисидан 2см тепада, ўрта соҳасидан ва митрал қопқани фиброз ҳалқасидан 2см пастки қисмидан), қоринчалар аро тўсиқдан олинди.

Бехосдан коронар ўлим ҳолатидаги мурдаларни юрагида айрим гуруҳ кардиомиоцитларни тўлқинсимон кечиши, фрагментацияси, эпикардда, миокардда ўчоғли ёғ тўқимасини ўсиши, атеросклеротик майда ўчоқли кардиосклероз, тож томирларини стенозловчи атеросклерози (бўшлигини 1/2 - 2/3 қисмини атероматоз ўзгаришлар, охакланиш ҳисобига торайиши) кузатилди.

Бирламчи миокард инфарктлари 15% кузатилиб, шундан 10% га яқинида янги ва 5% га яқинида чандикланаётганлиги аниқланган. Миокардда диаметри 2-3мм. дан - 5-6мм -гача тенг бўлган ишемия ўчоқлари топилган. Мурдаларни (асосан 40-50ёшдаги эркакларда) 75% да стенозловчи атеросклероз кузатилди. Миокард инфарктини қайта кузатилиши 4% ни (асосан 50-60 ёшдаги эркакларда) ташкил этди. 10% ҳолатларда миокард инфаркти тож томирлари тромбози билан кузатилди (асосан 40-50 ёшдаги эркакларда ва 60 ёшдан юқори иккала жинс намоёндаларида). Инфарктдан кейинги кардиосклероз 1/4-1/3 ҳолатларда кузатилиб (асосан 50-60 ёшдаги инсонларда), 1/6 ҳолатларда янги миокард инфарктлари қайталаниши билан бирга кузатилди. Бу кўрсаткичларни эркак ва аёлларда Россия федерацияси ва чет эл давлатларида қайд этилган кўрсаткичларига нисбатан бир оз "ёшариши" кўрилди [3].


20-30 ёшдаги инсонларни чап томондан пастга тушиб борувчи олдинги артерия (расм- 1) 7 та ҳолатда ўзгаришлар липид доғлар билан, 2 та ҳолатда липид доғлар ва фиброз пилакчалар, 1 та асоратланган ўзгаришлар аниқланди.

Чап томондан ўраб турувчи артерияда 5та ҳолатда (липид доғлар) аниқланди. Ўнг тож артериясида атеросклеротик ўзгаришлар 7 та ҳолатда аниқланилиб: ундан 5 таси липид доғлар, 2 тасида фиброз пилакчалар кўрилди.




1-расм. Чап томондан пастга тушиб борувчи олдинги артерия (а), чап томондан ўраб турувчи артерия (б), ўнг тож артерияси (в). Фиброз пилакчалар. Натив препарат.

30-40 ёшли инсонларда чап томондан пастга тушиб борувчи олдинги артериясида (расм-2) 5 та ҳолатда ўзгаришлар липид доғлар билан, 4 та ҳолатда липид доғлар ва фиброз пилакчалар, 1 та ҳолатда асоратланган ўзгаришлар билан намоён бўлди. Чап томондан ўраб турувчи артерияда 6 та ҳолатда (липид доғлар), 3 та ҳолатда липид доғлар ва фиброз пилакчалар, 1 та ҳолатда асоратланган ва оҳакланган ўзгаришлар кузатилди. Ўнг тож артериясида атеросклеротик ўзгаришлар 1/3 та ҳолатда кўрилди. 3 та ҳолатда липид доғлар, 1 та ҳолатда фиброз пилакчалар, 1та ҳолатда асоратланган ва оҳакланган ўзгаришлар кузатилди.



2-расм. Чап томондан пастга тушиб борувчи олдинги артерия(а), чап томондан ўраб турувчи артерия(б), ўнг тож артерияси(в). Фиброз пилакчалар, атероматоз ўзгаришлар. Натив препарат.


40-50 ёшли инсонларни чап томондан пастга тушиб борувчи олдинги артериясида (расм-3) 5 та ҳолатда ўзгаришлар липид доғлар билан, 3та ҳолатда липид доғлар ва фиброз пилакчалар, 2 та ҳолатда асоратланган ўзгаришлар аниқланди. Чап томондан ўраб турувчи артерияда 4 та ҳолатда (липид доғлар), 6 та ҳолатда липид доғлар ва фиброз пилакчалар, 1 та ҳолатда асоратланган ва оҳакланган ўзгаришлар кузатилди. Ўнг тож артериясида 20% ҳолатда атеросклеротик ўзгаришлар кўрилди. 4 та ҳолатда липид доғлар, 2 та ҳолатда фиброз пилакчалар, 1 та ҳолатда асоратланган ва оҳакланган ўзгаришлар кузатилди.



3-расм. Чап томондан пастга тушиб борувчи олдинги артерия(а), чап томондан ўраб турувчи артерия(б), ўнг тож артерияси(в). Фиброз пилакчалар, атероматоз ва оҳакланиш ўзгаришлари. Натив препарат.


50-60 ёшли инсонларни чап томондан пастга тушиб борувчи олдинги артериясида (расм-4) 7 та ҳолатда ўзгаришлар липид доғлар билан, 7 та ҳолатда ли-

пид доғлар ва фиброз пилакчалар, 3 та ҳолатда асоратланган ўзгаришлар аниқланди. Чап томондан ўраб турувчи артерияда 60% ҳолатда (липид доғлар), 4 та ҳолатда липид доғлар ва фиброз пилакчалар, 15 та ҳолатда асоратланган ва оҳакланган ўзгаришлар кузатилди. Ўнг тож артериясида 15% ҳолатда атеросклеротик ўзгаришлар кўрилди. 4 та ҳолатда липид доғлар, 2 та ҳолатда фиброз пилакчалар, 1 та ҳолатда асоратланган ва оҳакланган ўзгаришлар кузатилди.



4-расм. Чап томондан пастга тушиб борувчи олдинги артерия (а), чап томондан ўраб турувчи артерия (б), ўнг тож артерияси (в). Фиброз пилакчалар, атероматоз ва оҳакланиш ўзгаришлари. Натив препарат.

60 ёш ва ундан катта ёшдаги инсонларни чап томондан пастга тушиб борувчи олдинги артериясида (расм-5) 8 та ҳолатда ўзгаришлар липид доғлар билан, 4 та ҳолатда липид доғлар ва фиброз пилакчалар, 2 та ҳолатда асоратланган ўзгаришлар аниқланди. Чап томондан ўраб турувчи артерияда 75% да (липид доғлар), 5 та ҳолатда липид доғлар ва фиброз пилакчалар, 25% да асоратланган ва оҳакланган ўзгаришлар кузатилди. Ўнг тож артериясида 20% да атеросклеротик ўзгаришлар кўрилди. 4 та ҳолатда липид доғлар, 2 та ҳолатда фиброз пилакчалар, 2 та ҳолатда асоратланган ва оҳакланган ўзгаришлар кузатилди.



Расм - 5. Чап томондан пастга тушиб борувчи олдинги артерия (а), чап томондан ўраб турувчи артерия (б), ўнг тож артерияси (в). Фиброз пилакчалар, атероматоз ва оҳакланиш ўчоқлари ўзгаришлари. Натив препарат.

Жадвал - 1.

Юрак тож томирларини интимасини атеросклеротик шикастланишини ёшга боғлиқ динамикаси (%)

Гуруҳ	Чап томондан пастга тушиб борувчи олдинги артерия	Чап томондан ўраб турувчи артерия	Ўнг тож артерияси
20-30	1,3±0,1	1,1±0,1	0,7±0,1
30-40	4±0,4	1,5±0,3	3,0±0,4
40-50	17±1,2	5,5±0,5	12±0,5
50-60	30±2,3	21±2,0	28±2,4
60 ва ундан юкори	32±3,4	23±3,1	39±3,1

Юракни коронар томирлари етишмовчилиги касаллигида тож томирларини атеросклерози бўшлиғини стенозига қараб баҳоланди: 1/2 - 2/3 кўпроқ стенозлар 75%, 1/2 дан камроқ стенозлар 15%, 10% ҳолатларда стенозлар кузатилмади. Кўпроқ (3/4) тож томирларини бир неча шохчаларида, камроқ (1/4) бир шохчасини чегараланган стенозлари кузатилди.

Хулоса:

Тўсатдан коронар ўлимлар 2012-2016 йилларда - ЮИК-дан 55%, атеросклероздан 25%, гипертония касаллигидан 15%, бошқа касалликлардан 5% кузатилди. Тўсатдан коронар ўлим ҳозирги вақтда кўпроқ 40-50 ёшли эркакларда кузатилиб, асосан тож томирларини стенозловчи атеросклерози ва миокард инфарктлари билан намоён бўлди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Дементьева Н.М. Скоропостижная смерть от атеросклероза венечных артерий. - М. /Медицина. 1974. - 216 с.
2. Кулешова Э.В., Демченко Е.А., Шляхто Е.В. Всегда ли внезапна внезапная сердечная смерть? //Вестник аритмологии 2006; 42: 22-27.
3. Тўраев Р.М. Морфогенез ритмических структур и лентовидных фиброзных бляшек при атеросклерозе. /Автореф. дисс. к.м.н. Т. 1994. 17-19 с.

Келиб тушган сана: 10.05. 2018